

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ПСИХОЛОГИЯДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил
24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди**

Тузувчи:

Ўз МУ Психология фанлари номзоди
доценти, Х.Алимов

Тақризчи:

доц. Т.Алимардонов

**Ўқув -услубий мажмua ЎзМУнинг кенгашининг 2017 йил _____ даги __ -
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	7
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР	11
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	25
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	30
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	31
VII. ГЛОССАРИЙ	32
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	37

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулини ўқитишидан мақсад: “Психологияда тизимли таҳлил” модули бўйича олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга психологияк жараёнларни тизимли таҳлил этиш билан боғлиқ замонавий қўникма ва малакасини янада оширишга кўмаклашишдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Психологияк жараёнларни тизимли таҳлил этиш;
- Психологияк жараёнларни тизимли таҳлил этишнинг илмий-назарий, амалий аҳамиятини ёритиш;
- Тизимли таҳлил этишнинг психологик жараёнларида таълим-тарбия, маданият соҳалари билан боғлиқ институциянал асосларини таркибий-функциявий боғлиқлигини асослаш;
- Тизимли таҳлил усул ва услубларини, методологияси билан қуроллантиришдан иборат.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар

Психологияк жараёнларни ўрганишни тизимли таҳлил этишни амалга ошириш доирасида:

Тингловчи:

- Психологияк жарёnlар,
- тизимли таҳлил;
- тизимли таҳлилусули, уни қўллаш ва методологияси;
- психологиядаинституциянал асослари, унинг тизимли таҳлили;
- психологик плюрализм тўғрисида янги билим, қўникма ва малакага эга бўлиш;
- тингловчи тизимли таҳлилни психологик жараёнларни ўрганишда қўллаш малакасига эга бўлиши назарда тутилади.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Психологияда тизимли таҳлил” модули амалий маъруза, савол-жавоб ва баҳс-мунозара шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, савол-жавоб, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модулни ўқитиш ўқув режасидаги: Педагогик психологиянинг долзарб масалалари, “Замонавий психологиянинг назарий ва амалий масалалари”, “Тадбиқий ижтимоий психология” ҳамда бошқа ижтимоий гуманитар фанлари билан боғлиқ.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўқитиш орқали тингловчилар педагогик жараёнларни тизимли таҳлил этишга доир усул, услугуб ва методология билан боғлиқ қўйикма, билим ва касбий малакага эга бўладилар.

“ПСИХОЛОГИЯДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”

Модулнинг соатлар бўйича тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Назарий	Амалий		
			Жами	жумладан				
1.	Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари	4	4	2	2	2	-	
2.	Тизимли таҳлил методологияси	6	4	2	2	2	2	
Жами:		10	8	4	4	4	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари.

Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари. Психология тизими ҳамда уларнинг тузилмаси. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари.

2-Мавзу: Тизимли таҳлил методологияси.

Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида Психологияда тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот. Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари.

1.Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари.

- 2.Психология тизими ҳамда уларнинг тузилмаси.
- 3.Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви.
- 4.Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуслари.

2-Амалий машғулот. Тизимли таҳлил методологияси.

- 1.Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.
- 2.Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув.
- 3.Аналитик тадқиқотлар асосида психологияда тизимли таҳлилни ташкил этиш.
- 4.Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича ўқитишни амалий маъруза, ўзаро мулоқот шаклидан фойдаланилади:

Машғулотлар замонавий янги маълумотлар, замонавий техника ҳамда технологиялар билан таништириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш;

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**1 балл**.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

1. “Кейс-стади” методи «Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмок, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Ин босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<input type="checkbox"/> якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<input type="checkbox"/> якка ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; <input type="checkbox"/> якуний хулоса ва вазият ечимнинг амалий аспектларини ёритиш

Кейс: Муаммо сифатида турли хил жасамиятдаги маданит наъмуналари олинади. Бу турли жадваллар орқали солиштирма материаллар тайёрланади. Маданиятнинг даврий ўзгариши тенденциялари аниқланади. Бунинг сабабларининг умумий тарафлари ўрганилади

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Даструрни тўғри ишлаши учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

2. “Ассесмент” усули

Усулнинг мақсади: мазкур усул таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий қўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади. Усулни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, Амалий, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Наъмуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

3. “Тушунчалар таҳлили” усули:

Усулнинг мақсади: мазкур усул талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англашиб, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Наъмуна: “Маърузадаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англалади?	Қўшимча маълумот
Маданий бурилиши	Кундалик ҳаётдаги маданиятни мазмуни борасидагитурли ҳил ёдашувлари тушуниши ва изоҳлаш учун ишилатиладиган тушунча	
Маданий нисбийлик	Ҳар бир жамиятнинг маданияти умумий шароитдан келиб чиқиб эришилган деб тушунувчи ва маданият шакллари бошқа	

	<i>маданият шакллари билан ўлчанмаслик ҳақида түшүнчә</i>	
<i>Маданий универсализм</i>	<i>Меъёрлари, ўлчамлари билан маданиятни жасиятни барча қатламларида бирдек амал қилиши ҳақида түшүнчә</i>	
<i>Маданий талваса</i>	<i>Инсонда ўзи биринчи марта ўзи учун таниши бўлмаган маданият элементлари билан дуч келагандা юзага чиқадиган ижтимоий-руҳий беқарорлик</i>	
<i>Оммалашув</i>	<i>Олдин юз берган кичик ҳодисалар орқали воқеаликнинг янада кенгайиши ва оммалашини ҳақида түшүнчә</i>	
<i>Аҳлоқий ваҳима</i>	<i>Маълум бир гуруҳ ва жамоатчилик муаммо юзасидан жамоачиликнинг ҳавотирининг ошиб бориши одатда бу ижтимоий назарот тарбини кучайтишиши учун қўлланилади.</i>	
<i>Моногамия</i>	<i>Эркак ва аёл ўртасида жуфтликка асосланган никоҳ тури</i>	
<i>Ислоҳотлар</i>	<i>Ўзгариш, қайта қуриши маъноларини англатади</i>	

Б.Б.Б. техникаси

Б.Б.Б. жадвали:
Биламан,
Билишни
ҳоҳлайман,
Билдим.

- матн (мавзуу,
бўлим) бўйича
тадқиқот
ишлари олиб
бориш
имконини
беради;

-тизимли
мулоҳаза
қилиш,
таркибга
ажратиш
кўникмаларин

Б.Б.Б жадвалини тузиш қоидалари билан таништиради. Якка тартибда (жуфтликда) жадвал расмийлаштирилади.

Кўйидаги саволга жавоб берилади: Ушбу мавзуу бўйича сиз нимани биласиз?” ва “Нимани билишни ҳоҳлайсиз?” (Келгуси иш учун таҳминий асос яратилади)

Якка тартибда (жуфтликда) жадвалнинг 1 чи ва 2 чи устуни тўлдирилади.

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди (маърузани эшигади)

Жадвалнинг 3-устунини мустақил (жуфтликда) тўлдиради.

<i>№</i>	<i>Маєзу саволлари</i>	<i>Биламан</i>	<i>Билишини истайман</i>	<i>Билиб олдим</i>
1	2	3	4	5
1.	Жамиятнинг социомаданий тизими			
2.	Дин социомаданий институт сифатида			
3.	Маданиятлар трансформацияси			
4.	Маданиятнинг шаклланиш тараққиёти			
5.	“Субмаданият” тушунчаси			

ББ техникасининг қоидаси

1. “Инсерт” техникасидан фойдаланилган ҳолда матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни индивидуал соҳаларга ажратинг. Қалам билан қўйилган белгилар асосида ББ жадвалини тўлдиринг.

“Инсерт” техникасининг қоидаси:

1. Матнни ўқиб чиқинг.
2. Олинган маълумотларни диққат билан ўрганиб, соҳаларга ажратинг. Қалам билан ҳар бир қаторга қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
 V – биламан;
 $+$ – янги маълумот;
 $-$ – билганларимга зид;
 $?$ – мени ўйлантирум оқда.

ББ жадвали

III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1-мавзу: Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари

РЕЖА:

1. Тизимли таҳлил этишнинг таркибий элементлари
2. Тизим сифатли, аниқ бутунлик ҳосил қилувчи муносабатлар ва алоқаларда мавжуд элементар уйғунлиги сифатида Тизимли таҳлил умумилмий метод сифатида
3. Тизим тушунчасининг фандаги, техникадаги ва амалий фаолиятдаги роли

Таянч иборалар: *ижтимоий ҳаёт, ижтимоий гурӯҳ, ижтимоий тизим, ижтимоий мослашув, Органик тизим, тизимли таҳлил, психологик ҳаракат тизими*

1.2. Тизимли таҳлил этишнинг таркибий элементлари

Тизим (лотинча *Systema* – қисмлардан таркиб топган бирлик) бу бир – бири билан муносабатда бўлган, ўзаро алоқадор ва маълум бир бутун бирликни пайдо қилувчи элементлар йиғиндисидир.

Табиат ва жамиятга тизимли қарашлар антик даврлардаёқ шаклана бошлаган. Афлотун ва Арасту билим тизимининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга катта эътибор қаратганлар. Янги даврга келиб маҳсус фанларнинг ривожланиши билан тизимларнинг геометрик, механик кўринишлари тадқиқ этила бошланди. Шу даврнинг ўзидаёқ бир бутун организм сифатидаги ижтимоий тизимларнинг табиий тушунчалари шаклланиб борди. XIX – асрда тизимли таҳлил химиявий, биологик ва психологик тизимлар тадқиқотида қўлланила бошланди. Ч. Р. Дарвин (1809 – 1882) турларнинг келиб чиқиши назариясини ишлаб чиқди. Биология ва қишлоқ хўжалиги амалиёти маълумотларини тизимли умумлаштирган ҳолда инглиз табиатшунос олими тирик табиатнинг табиий танлов йўли билан эволюцион ривожланиши тўғрисидаги хulosага келди.

Буюк рус химиги Д. И. Менделеев (1834 – 1907) даврийлик қонунини кашф қилди, ва унинг асосида химиявий элементларнинг даврий тизимини яратди. Менделеевнинг қонуни нафақат алоқаларни, балки химиявий элементларнинг реал ўзгаришларини кўрсатади ва ноорганик моддаларнинг ривожланиши қонуни ҳисобланади. Элементлар тизими асоси сифатида атом ядросининг заряди олинган, элементларнинг хусусиятлари ва тизимда

эгаллаган ўрни унга боғлиқдир. Бу кашфиётлар Г. Спенсер психологиясида қўлланила бошланди. У жамиятга 3 та органлар тизимидан иборат бўлган бир бутун организм сифатида қарайди: 1. таъминловчи; 2. тақсимловчи; 3. идора этувчи (регулятив). Жамиятга тирик табиатдаги каби эволюция қонун – қоидалари, мослашув, дифференциация ва интеграция қонун – қоидалари хосдир. Марксизм бир бутун ривожланувчи тизимларни илмий тафаккур этишнинг фалсафий ва методологик асосларини шакллантириди. Тизимлиликнинг диалектик – материалистик тамойили объектга бир бутунлик хусусиятлари билан шартланган ўзаро алоқадорликдаги элементлар кўплиги сифатида қарашни тақозо этади. Асосий эътибор тадқиқ этилаётган объект ичida ҳам, унинг ташқи мухит билан ўзаро муносабатларида ҳам ўрин тутувчи алоқалар ва муносабатларнинг хилма - хиллигини топишга қаратилади.

Органик тизим умумий бир бутунлик сифатида ўзига хос хусусиятларга эга ва унинг бутунликка қараб ривожланиши жамиятнинг барча элементларини ўзига тобеъ қилиш ёки ундан ўзига етарли бўлмаган органларни яратишдан иборат. Шундай қилиб, тизим тарихий тараққиёт давомида бир бутунликка айланади,” - ёзган эди К. Маркс сиёсий иқтисод танқидида. Капитал. танл. т.23. 20 – б.

Тизимли таҳлилни илмий методологиянинг мухим компоненти сифатида ишлаб чиқишига марксизм кўп ҳисса қўшган. К. Маркс жамиятнинг тирик табиатдан фарқли ўзига хос тизимлилик хусусиятларини очиб берган. Бу ўзига хослик шундан иборатки, инсонлар психологик тизимларни яратувчи, ишлаб чиқарувчи омиллар ҳисобланадилар. К. Маркс 2 та хусусиятни ажратиб кўрсатади: табиий ва ижтимоий. Ижтимоий хусусиятлар инсон томонидан яратилган, меҳнат фаолиятида ва илмий фаолиятда мужассамлашган хусусиятлардир, айнан илмий фаолият жамият элементларини бирлаштиради ва ижтимоий тизим хусусиятларининг ўзига хослигини намоён этади. Бу 2 хусусият – жамиятни тизимли таҳлил этишнинг асосидир.

К. Маркс ўзининг ижтимоий иқтисодий формациялар тўғрисидаги таълимотида ижтимоий тизимларнинг тарихий типларини ажратишда тизимли таҳлилдан фойдаланади: ибтидоий – жамоа, қулдорлик, феодал, капиталистик ва психологикистик. Бундай ажратишда ишлаб чиқарувчи кучлар (инсонлар, меҳнат қуроллари, хом – ашё) ва ишлаб чиқариш муносабатлари (айирбошлиш, истеъмол қилиш, тақсимлаш) йиғиндисидан ташкил топган моддий неъматларни ишлаб чиқариш усувлари асос бўлиб хизмат қилди. Ишлаб чиқариш усули – бу базисдир, ундан сиёсий устқурма, ижтимоий психология ва ижтимоий онг шакллари (дин, ҳукуқ, фалсафа, фан, мафкура) келиб чиқади. Шундай қилиб, базис ва устқурма ўзига хос функционаллашув хусусиятларига ва қонунларига эга бўлган бир бутун ижтимоий тизимни шакллантиради.

Капиталистик тизим функционаллашуви қонуниятларини аниқлашда К. Маркс таҳлил учун асос қилиб товар – пул муносабатларини олади. У кўрсатдики, товар муносабатлари кўплаб ижтимоий алоқаларни шартлаб қўяди, капиталистик ишлаб чиқариш нарх – наво қонунлари ва қўшимча нарх

– навони ишлаб чиқиши, ва нарх – наво энг юқори тизимли хусусият ҳисобланади. Айнан у сиёсий, оилавий, маънавий муносабатлар тизимини, функционаллашув қонуниятларини ва капиталистик жамият ривожланиши йўналишини белгилаб беради.

1.2. Тизим сифатли, аниқ бутунлик ҳосил қилувчи муносабатлар ва алоқаларда мавжуд элементар үйғунлиги сифатида Тизимли таҳлил умумиллий метод сифатида

Психологияда тизимли таҳлил 1937 йилда Т.Парсонснинг “Психологик ҳатти-ҳаракат структураси” китобида ҳатти-ҳаракат тизими тушунчасининг киритилиши билан боғлиқ. Т.Парсонс психологоик тизим асосига йўналиши тизим томонидан мантиқий белгилаб қўйилган, алоҳида ҳатти-ҳаракатлар ва элементар муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган психологоик ҳатти-ҳарактни қўяди. Психологоик тизим алоҳида ҳатти-ҳаракатларда мақсад, унга Эришиш воситалари, шарт-шароитлари ва аҳамиятли меъёрларни фарқлашни тақазо этади. Т.Парсонс ҳатти-ҳаракатни ташкиллаштириш усули сифатида тизимнинг учта турини фарқлайди: шахс, жамият, маданият. Шахс тизими асосланган ҳатти-ҳаракатлар усуллари сифатида тушунилади. Уларнинг ўзига ҳослиги жисмоний ва биологик ҳатти-ҳаракатлардан фарқли равишда рамзилик (тил, қадрият) меъёрийлик (умумурнатилган меъёрларга қарамлик), валюнтаризм, яъни вазиятга боғлиқ маълум бир даражадаги иррационаллик орқали намоён бўлади. Т.Парсонс ҳатти-ҳаракат умумий тизимининг таҳлилий абстрактлаштирилган қуи тизими психологоик тизим деб атайди. Унинг ўзига ҳослиги индивидуал омилларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракатлари стандартларининг мавжудлигидадир. У тизим бирлашувининг (интеграция) уч омилини ажратган: бирортага нисбатан амалга оширилган психологоик факт; қуи тизимда мавқе функциясини бажарувчи эгалланган мавқе-рол; ҳатти-ҳаракат амалга оширувчи актор. Мослашув, ижтимоийлашув, мақсадга Эришиш, психологоик назорат функциялари эвазига психологоик тизимнинг бутунлиги сакланади. Т.Парсонс индивидуал ҳатти-ҳаракатлар қўпайиши асосида шериклар ўзаро ҳатти-ҳаракатларининг ўзгариши жараёнинг мавжудлиги ва уни тартибга солиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар элементларини ташкиллаштиришнинг бир кўриниши сифатида қуи тизимлардан ташкил топади, улар ўз навбатида тизимни ташкиллаштиришнинг тўрт даражасини тақазо этади: бирламчи-техникавий, менеджериал, институционал, социетал. Тизимнинг асосида психологоик роллар ётади, улар институционал тарзда ташкиллаштириллади ва бошқарилади, яъни ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари идора этилади. Ташкиллаштиришнинг менежериал даражаси воситаларни қабул қилишни, назорат ва кузатиш вазифаларини бажаради.

XX-асрнинг 40-йилларидан бошлаб, биринчилар қаторида тизим назариясини илгари сурган австриялик биолог ва файласуф Людвиг фон Берталанфи (1901-1972) ташаббуси билан “тизимли ҳаракат“ бошланди. Унда

турли фанлар вакиллари тизимнинг умумий назариясини яратиш мақсадида бирлаштилар. Бу ҳаракат ижтимоий фанларни ҳам, ҳусусан психологияни ҳам қамраб олди. Тизим тушунчаси ҳозирги замон фалсафасида ҳам, фан, техника ва амалий фаолиятда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Тизимли таҳлил билиш жараёнининг универсал воситасидир: ҳар қандай воқеа-ходисаларга тизим сифатида қараш мумкин, гарчи илмий таҳлилнинг ҳар қандай объекти ҳам бунга муҳтож эмас. Тизимли метод мураккаб динамик бутунликларни билиш ва яратишида тенги йўқ методдир. 1972 йилдаёқ файласуфлар “Ўрганилаётган обьектларга тизимли-структурали таҳлил ҳозирги вақтда умумилмий тамойил мақомига эга бўлиб бормоқда: барча маҳсус фанларда уларнинг ривожланганлик даражаси ва ички эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда тизимли таҳлилдан фойдаланади”. (В.С Тюхтин.)

Фан ривожланишининг замонавий босқичида тизимли таҳлилнинг назарий ишланмалари ва ундан метод сифатида фойдаланиш шу даражада кенг қамровлики, ҳатто бир қанча йўналишларга эга бўлган умумилмий “тизимли ҳаракат” хақида гапириш мумкин.

“Тизим” тушунчасининг ўзи қадим ўтмиш даврларда юзага келган бўлиб, кенг қўлланилишига қарамай назарий жиҳатдан чуқур иўлаб чиқилмаган категория бўлиб келган. “Sistema” сўзи юонончада “тузиш” маъноси англатади. Буюмлар аморф, қисмларга бўлинмаган нарса бўлиб, яқиндан қараганда эса бўлакларга бўлиш мумкин бўлган “қисмлар”дан “тузилган” лигини акс этувчи оддий тажрибадан иборат эканлигини ифодалайди. (Леске М., Редлов Г., Штилер Г. Почему имеет смысл спорить о понятиях: Пер. с нем. М., 1987)

Амалиёт нуқтаи назаридан тизимли таҳлил “тизим” тушунчасига кўра қадимиyroқдир – у инсоний жамият билан тенгдошdir. Ибтидоий инсон тошдан болта ёки камон ясаётганда ҳам тизимли ҳаракат қилган, аммо у ўз хатти-ҳаракатларининг тизимли эканлигини англамаган ва саволнинг моҳияти айнан шундан иборат. Ҳозирги вақтда тизимли таҳлил назариясини билишни талаб қилмайдиган масалаларнинг кенг миқёсли синфи мавжуд, лекин бу турдаги билимни бутун ижтимоий амалиёт талаб қилмоқда. Шунинг учун, назарий жиҳатдан тизимли таҳлил алгоритмидан онгли тарзда фойдаланиш нуқтаи назаридан у, албатта, ёш.

Тизимли таҳлил муаммоларига ҳозирги вақтдаги катта эътибор унинг ижтимоий амалиёт, жуда катта тизимларни англаш ва ташкил этиши масалаларини ҳал қилувчи метод сифатида мос келиши билан тушунтирилади. Бироқ фақат бу билангина эмас. Тизимли таҳлил феномини авваламбор фан ривожланишидаги аниқ қонуниятни акс этади. Фанда тизимли таҳлилнинг замонавий ролини аниқлаб беришнинг асосларидан бири-маълумот миқдорининг жадал ўсиши-“информацион портлаш” бўлди. Маълумот миқдорининг ўсиши ва уни ўзлаштиришдаги имкониятларнинг чегараланганилиги ўртасидаги зиддиятларни енгиб ўтишга билимнинг тизимли қайта ташкил этилиши ёрдамида эришиш мумкин. (А.И. Уемов)

Яқин даврларгача илмий билишда таҳлилий таҳлил устунлик қиласи эди(шу боис, “таҳлил” сўзи умуман илмий тадқиқотнинг синоними бўлиб

қолди), бу метод илмий фаолият методи сифатида ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бироқ, аналитик материал етарли даражада тўпланган билим соҳаларида уни интеграциялаш ва тизимлаштиришга эҳтиёж туғилади ва бу анализ ва синтезни органик ҳамоҳангликдаги тизимли таҳлил асосидагина мувоффақиятли амалга оширилади. “Турли билим соҳалари замонавий олимларнинг тизимли таҳлилга интилишларига унинг бутунликни чексиз кўпаювчи қисмларнинг механик йифиндисига олиб келиши эмас, балки унинг бутунликларни моделлаштириш қобилиятига эгалиги сабаб бўлади.” (М.С Коган). Шу тарзда тизимли таҳлилни фан ривожланишини замонавий босқичида билишда интегратив тенденцияларнинг кучайиши натижаси деб хисоблаш мумкин. Бу тенденциялар XIX аср иккинчи ярмида сезиларли бўлиб борди.

1.3. Тизим тушунчасининг фандаги, техникадаги ва амалий фаолиятдаги роли

Тизимларнинг умумий назарияси ва тизимли таҳлилни асосий тамойилларининг шаклланишида А.А Богдановни “Всеобщая организационная наука. Тектология” асари муҳим рол ўйнади, унинг биринчи қисми 1912 йилда ёзилган эди. Муаллифнинг ушбу асарда шакллантирган кўплаб назарий қарашлари, тушунчавий таснифлари жуда замонавий хусусиятга эга. Балки уларнинг тизимларни кейинги тадқиқ этишларида деярли ўзгаришларсиз қабул қилинганлигидандир? Виль Дорофеев бу хусусда қуидагини ёзади: “40 - йилларда таникли биолог Людвиг фон Бертоланфи (гарбда уни тизимли таҳлилнинг асосчиси деб ҳисоблашади.) “Тизимларнинг умумий назарияси асарини чоп этган. Унинг асосий ҳолатлари “Тектология” билан ўхшаш. Академик А.Л. Тахтаджян фикрича австриялик олим Богдановнинг немис тилида чоп этилган иши ҳақида Ҳабари бўлмаслиги мумкин эмасди. Аммо фон Барталанфида ўзидан олдинги ижодкор асрларига сноска келтирмаган ва ҳатто олим ҳақида гапирилмаган. 1978 йилдагина американлик олими Ричард Маттесич ўзининг “Инструментальное мышление и системная методология” асарида биринчилардан бўлиб “тектология” ғоялари ва умумий тизим назарияси ўртасидаги ҳайратомус ўхшашлик” ни қайд этди шунингдек австриялик биолог ҳеч қаерда Богдановдан сноска келтирилмаганлигини ажабланган ҳолда таъкидлаб ўтди. Тизимли таҳлилнинг жумбоғи, унинг назарий ва амалий экспансияси унинг инсонлар томонидан ташқи дунёни идрок қилиш жараёнининг ўзида содир бўладиган ўзгаришларнинг акси ва воситаси эканлиги билан тушунтирилади. Тизимли таҳлил инсон томонидан бутун атроф-мухит, ташқи дунё билан узлиksiz алоқани ҳис қилишида иштирок этувчи бутун тафаккурни шаклланиш воситаси сифатида ўртага чиқади. Афтидан, фан ўз ривожланишининг дунё ҳақида антик даврдаги билим ҳолатига бутун, қисмларга бўлинмаган билимлар мажмуаси мавжуд бўлган ўхшаш ҳолатга яқинлашмоқда, лекин у даражада жиҳатдан юқорироқ ва янги планетар тафаккурга жавоб беради.

Тизимли таҳлилнинг моҳияти нимада ва бу методнинг самаралилиги нима билан шаклланади? Рус файласуфи ва системологи В.Н. Сагатовский шундай ёзади: “Объектнинг ҳаммасидан кўра сифимли ва тежамли таърифи уни тизим сифатида фараз қилгандагина амалга ошади. Тизимли таҳлил асосида олинган маълумот икки тамойилан муҳим хусусиятга эга: биринчидан тадқиқотчига фақат зарур бўлган маълумот келиб тушади, иккинчидан олдинга қўйилган муаммони ҳал қилиш учун етарли бўлган маълумот. Тизимли таҳлилнинг ушбу хусусияти объектни аниқ муносабат, яъни объект тизим сифатида кўрилган муносабат билан шартланади.

Тизимли билимлар – объектни бутун ҳолатда эмас, балки унинг аниқ, объектнинг тизимли тавсифларига мос равишдаги “кесими”ни билиш натижасидир. Тизимни ташкил этувчи тамойил чексиз турли туманликлардан якуний, лекин улар ўртасида кўплаб тартибга солинган элементлар ва муносабатлар ниманидир “кесиб ташлайди”, “қўполлаштириди”, “ўйиб ташлайди”.

“Тизим” категорияси умумий категориялар қаторига киради, яъни у барча объектларнинг, ҳар қандай предмет ва ҳодисаларнинг тавсифида қўлланилиши мумкин. Охиргиларни тизим ёки тизим эмас деб ажратиш мумкин эмас. Ҳар қандай объект бу муносабатда тизим, бошқасида эса тизим эмас. Объектни тизим сифатида аниқлаш – уни тизим сифатида намоён бўлиши муносабатини ажратиш демакдир. Бу муносабат нима билан шартланади ва тизим сифатида намоён бўлади? Объект тизим сифатида ўз мақсадига, яъни амалага ошириш ва эришиш мақсадига кўра намоён бўлади. Бу муносабатда объект бутун ва у бутунликни акс этади. Амалий жаҳатдан “бутунлик” ва “тизимлилик” ҳодиса ва жараёнларнинг ўхшаҳ хусусияти сифатида кўрилади.

Мақсад объектда тизимни аниқлаб ажратиб кўрсатади, гарчи тизимга мақсадга эришиш учун зарур бўлган хусусиятларни аниқлаши мумкин. Агар бирор объект бирнеча мақсадни амалага ошириш имкониятига эга бўлса, у ҳар бирига нисбатан мустақил тизим сифатида намоён бўлади. Шу вақтнинг ўзида ҳар қандай буюм қайсиdir муносабатда тизимдир, негаки доимо айнан шу буюм хусусиятлари орқали эришилиши мумкин бўлган мақсад мавжуд. Ушбу қонуният тизимли таҳлилни билиш фаолиятининг универсал воситаси сифатида тавсифлайди.

Назорат саволлари

1. Тизимли таҳлил этишнинг таркибий элементларини санаб ўтинг?
2. Т. Парсонснинг психологик ҳаракат тизими назариясини асоси мазмuni нималардан иборат?
3. Тизимли таҳлилнинг ижтимоий фанлардаги аҳамиятини кўрсатиб беринг?

4. Психология фанидаги назарияларида тизимли тақлил масалалари?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. М.,Наука, 1974
2. Кузьмин В.П. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса. М., 1980.
3. Парсонс Т. О структуре психологического действия. М., 1997.
4. Парсонс Т. О систем современных обществ. М., 1998.
5. Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации. М.Наука., 1981.
6. Битинас Б.П. Системный анализ к статистическому анализу эмпирических данных. В. КН. Математические методы в социологическим исследовании. М. Наука., 1981.

Интернет ресурслари

1. www.lib.socio.msu.ru
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

2-мавзу: Тизимли таҳлил методологияси

РЕЖА:

1. Парсонснинг тизим асослари
2. Тизим функциялари тушунчаси
3. Тизимли ва мажмуавий таҳлил
4. Психологик тизимнинг компонентлари

Таянч иборалар: *тизим, элемент, структура, функциялар, интеграция, структуравий дифференциация, тизимли таҳлил.*

2.1. Парсонснинг тизим асослари

Тизим – объект, мақсадга эришиш учун зарур ва етарли бўлган вазифаларни амалга ошириш, уни бир-бири билан мақсадга мувофиқ тарзда жойлашган элементлар мажмуаси билан таъминланади.

Элемент – ички тизимнинг дастлабки бирлиги, функционал қисми бўлиб, тизимни қуриш ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган хусусиятлари инобатга олинади.

Элементнинг элементарлиги шундан иборатки, у ушбу тизимнинг бўлиниш чегарасидир, мадомики унинг ички тузилиши ушбу тизимда инобатга олинмайди ва у фалсафада оддий деб таснифланадиган ходиса сифатида намоён бўлади. Гарчи иерархик тизимларда элемент ҳам тизим сифатида кўрилиши мумкин. Қисман элементни бирор нарсани объектга ички тегишлилигига кўрсатади, “элемент” доимо функционал бирликни англатади. Ҳар қандай элемент – қисм, лекин ҳар қандай қисм ҳам элемент эмас.

Таркиб – тизим элементларини бошқа структурадан олинган бутун (зарур ва етарли) мажмуаси, яъни элементлар тўпламидир.

Структура – мақсадга эришиш учун зарур бўлган тизимдаги элементлар ўртасидаги муносабатлардир.

Функциялар – тизимнинг мақсадга йўналтирилган хусусиятларига асосланган мақсадга эришиш усусларидир.

Вазифалар талабини бажарилиши – тизимнинг мақсадга эришиш хусусиятларини амалга ошириш жараёни.

Мақсад – бу тизим ўз вазифаларини бажариши натижасида эришилиши лозим бўлган нарсадир. Тизимнинг маълум ҳолати ёки унинг фаолиятини бошқа натижаси ҳам мақсад бўлиши мумкин. Мақсад ўз вазифаларига эришишни талаб қилади ва улар орқали тизимни таркиби ва структурасини шартлайди. Масалан, бир тўда қурилиш моллари тизим бўла оладими? Ҳар қандай абсолют жавоб нотўғри бўлади. Уй-жой мақсади муносабатида – йўқ. Лекин баррикада, беркиниш жойи сифатида, балки ҳа. Қурилиш моллари уюмидаги уй сифатида фойдаланиш мумкин эмас, чунки зарур бўлган элементлар мавжуд бўлганида ҳам улар ўртасида зарур бўлган маконий муносабатлар, яъни структура мавжуд эмас. Структурасиз эса улар факат таркибни – зарур бўлган элементлар мажмуасини ташкил этади.

Тизимли таҳлил икки жиҳатга эга: билишга йўналтирилган (тавсифий) ва конструктив (тизимларни яратишда фойдаланиладиган). Бу жиҳатларнинг ҳар бирида ўзининг амалга ошириш алгаритми мавжуд. Тавсифий таҳлилда тизимнинг ташқи хусусиятлари (унинг мақсадга мувофиқ хусусиятлари, шунингдек вазифалар мақсадга эришиш усули сифатида) унинг ички тузилиши – таркиби ва структураси орқали тушунтирилади. Тизимни лойиҳалаштиришда эса бу жараён қуидаги категориал зинапоя бўйича боради: муаммоли вазият – мақсад – функция – таркиб ва структура – ташқи шароит. Шу вақтнинг ўзида, тизимли таҳлилнинг конструктив ва таҳлили жиҳатлари ўзаро боғлиқ, ҳамда бир-бирини тўлдириб туради. Ҳуқуқий муносабатларнинг меъёрий моделлари лойиҳалаштириладиган ҳуқуқий фаолиятда конструктив жиҳат олдинда бўлади. Ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий механизмда реал мавжуд бўлган “тайёр” конструкция сифатида тадқиқ этишда эса ишни таркиб ва структурани таърифлашдан бошлаш лозим.

Тизимли таҳлил тизимларнинг турли типларини топишни тақозо этади. Тизимларнинг типларини топиш уларнинг тузилиши, фаолияти, функционаллашуви, ривожланиши ва ҳ. қонуниятларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бунда класификация асосини ишлаб чиқиш таҳлилнинг энг муҳим босқичи ҳисобланади.

Асос – бу тизимнинг сифатий ўзига хослигини аниқлашда фойдаланиладиган тизимни ташкил этувчи омилдир.

Монизм – бу тизимнинг ўзига хослигини битта ягона асосдан келиб чиқиб аниқлашдир, плюрализм – кўплаб асослардан қўйишидир.

Органик ва ноорганик, ғоявий ва моддий тизимларга ажратиш янада умумийроқдир. Энг мураккаб тизимлар сифатида ижтимоий тизимлар таҳлилида асосларни ажратиш муаммоли вазият сифатида назариётчилар томонидан турлича ҳал этилади. К. Маркс ижтимоий тизимларнинг тарихий типларини аниқлашда моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулларини асос сифатида олади. Т. Парсонс эса ижтимоий хатти – ҳаракат тизимини асос деб олади. Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб турлича асослар ажратиб олиниши мумкин, чунки жамият мураккаб тизимдир, унинг таркибий қисмларини маълум тамойилларга мувофиқ қонуният асосида бир бутунликка бирлашган ёки муносабатлар билан бир – бири билан бооғланган қуий тизимлар сифатида олиб қараш мумкин.

Интеграция – бу ривожланиш жараёнидир, унинг натижасида элементларнинг бир – бирига ўзаро боғлиқлиги асосида тизим ичида бир бутунликка ва яхлитликка эришилади. Бутун оламни қамраб олган интеграция жараёни дифференциация жараёни билан қўшилиб кетади. Бу нафақат бир хиллиқдан хилма – хилликка ўтишdir, балки ноаниқ бир хиллиқдан компонентларнинг умумийлигига намоён бўлувчи сифатий хилма – хилликка ўтишdir. Оддий элементларнинг ўзаро хатти – харакати асосида мураккаб тизимларнинг шаклланиши жараёнини Г.Спенсер интеграция жараёни деб атайди. Тизимлар шаклланишида иерархик даражаларнинг пайдо бўлиши интеграция натижасидир.

2.1. Тизим функциялари тушунчаси

Элементларнинг ўзаро хатти – харакатлари бир – бирларидан фарқ қиласидиган навбатдаги даражадаги, яъни хилма – хил тизимларни шакллантиради. Бу дифференциация жараёнидир. Дифференциациянинг функционал ва структуравий кўринишлари ажратилади. Функционал дифференциация – бу ривожланаётган тизим элементларининг бажарадиган функциялари доирасининг кенгайиши билан кечадиган жараёндир.

Структуравий дифференциация – бу тизимда у ёки бу функцияларни бажарувчи қуйи тизимларнинг ажралиб чиқиши билан кечадиган жараёндир.

Бутунлик – мураккаб ички тузилишга эга бўлган обьектларнинг (жамият, шахс, фаолият) умумий таснифидир. Бутунлик тушунчаси обьектнинг интеграциялашганлигини, такомиллашувини, шаклланганлигини, ўзининг ички фаоллиги билан ташқи муҳитдан ажралганлигини билдиради: у ўзига хос функционаллашув ва ривожланиш қонуниятлари билан шартланган сифатий ўзига хосликни англатади.

Бутунлик ички ташкилотнинг, таркибий элементларнинг мавжудлигининг таснифидир.

Функционаллашув ва ривожланиш жараёнида тизимнинг барқарорлигини ва бутунлигини таъминлашда етишмаётган элементлар юзага келади. Агарда бу рўй бермаса, тизимнинг бутунлиги бузилади, қуйи тизимлар тартибсиз – хаотик тарзда функционаллашади.

Масалан, маънавий ўсиш билан мустаҳкамланмаган иқтисодий ўсиш тизимнинг бутунлигини бузади, маданий, ғоявий – аҳлоқий қуйи тизимларни издан чиқаради. Шунинг учун ислоҳотларни амалга оширишда тизимни ташкил этувчи компонентларнинг бутунлигига амал қилиш уларнинг самарадорлиги шарти, мақсадга эришиш усули ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларнинг, назорат институтларининг ва ташкилотларнинг функционаллашуви ижтимоий алоқаларнинг мураккаб тизимини шакллатиради, уларнинг бузилиши эса жамиятнинг дезинтеграциялашувига олиб келади. Ижтимоий тизимнинг бутунлиги ижтимоий гурухларнинг фаолиятларининг йўналишларини таъминлайди, индивидлар ва гурухларни ягона қуйи тизимларда бирлаштиради, психологик

жамоаларнинг ташқи структураси билан бирга функцияларини ҳам аниқлаб беради.

Индивидлар олдига қўйиладиган талабларнинг ноаниқлигини, ижтимоий назоратнинг йўқлигини, маданият меъёрларига зид бўлган ижтимоий қадриятлар ва хулқ – автор намуналарини мажбуран сингдиришни тизимнинг бутунлигини бузадиган сабаблар қаторига қўшиш мумкин. Ижтимоий тизим бутунлигининг юқори даражаси жамоаларнинг уюшганлигига, маънавий – аҳлоқий қарашлар ва хулқ – автор меъёрларининг бир – бирiga мослигига намоён бўлиб, тартиббузарликлар сонининг камайишига олиб келади.

Тизимли таҳлил-бу фанда мураккаб ташкиллашган обьектларни шакллантириш услубларини ишлаб чиқиш вазифасини бажарувчи назарий-методологик йўналишдир. Тизимли таҳлилнинг қўлланиши обьектнинг асосларини, структура типларини, муносабатлар иерархиясини, шунингдек обьектдаги функционал, сабабийлик ва бошқа боғлиқликлар ва алоқаларни топишни тақазо этади. Тизимлилик тамойили шуни англатадики, тизим ва уни ташкил этувчи қисмларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракатлари қонуниятлари асосида ўрганилган обьектив воқелик жараёнлари интеграл хусусиятлар ва қонуниятларга эга бўлган мустаҳкам бирлик ва бутунликни пайдо қиласди. Тизимли таҳлил қўидаги босқичларда амалга оширилади: обьектни уни ташкил этувчи элементларга ажратиш, боғлиқлик иерархиясини аниқлаш, асосий омилларни (сабаб, функция, меъёр) ажратиш, обьектни моделлаштириш. Тизимли таҳлилнинг формал методлари кўпликлар назариясига математик-мантиқ, кибирнетика ва бошқа асосларга таянади.

2.3. Тизимли ва мажмуавий таҳлил

В.С. Швырев ва Э.Г. Юдин мажмуавий таҳлил методологик таҳлилиниң муҳимлигини таъкидлаган ҳолда қўидаги фикрни билдиришган: “ҳозирги вактда нафақат фан муаммолари ҳақида сўз борганда, балки амалиётда ҳам қўпинча “мажмуавий таҳлил” тушунчасига дуч келмоқдамиз. Бунда тадқиқот ва амалий фаолиятни ташкил этишининг турли илмий йўналишлар ва амалиёт соҳалари вакилларининг ҳатти-ҳаракатлари ҳамжиҳатлилиги муҳим шартлардан бири бўладиган ҳолда ташкил этилиши ва йўналтирилиши назарда тутилади. Методологик жиҳатдан мажмуавий таҳлил нисбатан кам ўрганилган ва бу ҳолат унинг амалда қўлланилиши самарасида ўз аксини топоди. Шу боис, мажмуавий таҳлил проблематикасининг методологик таҳлили методологик тадқиқотларнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади”.

Мажмуавий таҳлилнинг тизимли таҳлилдан алоҳида ҳолда мавжуд бўлиши ва фойдаланилиши мумкин эмас, унга мустақил усул сифатида қараш ундаги илмий мазмун, илмий асосни йўқолишига олиб келади. Бундай ҳолатларда у ҳодиса – жараёнларнинг кўплаб томонлари, хусусиятлари ва

компонентларини қамраб олишга интилишидаги кундалик мазмунини сақлаб қолади. Илмий тамойиллар асосида ташкиллаштирилмаган, бутунлай қамраб олинмаганлиги эклектикага мос келади.

Бизнинг назаримизда, мажмуавий таҳлилни тизимли таҳлилнинг ўзига ҳос турларидан бири сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тизимли таҳлил таркибига бир вақтда бошқа тизимларда фаолият юритувчи элементлар кирувчи тизимларни тадқиқ этиш ҳақида сўз борганда мажмуавий таҳлил хусусиятига эга бўлади. Мажмуавий тизимлар бу асосда мураккаб функционал ва бошқа тобелик билан боғланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки мажмуавий таҳлил мажмуаларни ўзига ҳос тизим сифатида тадқиқ этишга бўлган зарурият асосида вужудга келган. Зеро, ҳар қандай мажмуа тадқиқотини мажмуавий деб бўлмайди. Шунингдек, тизимнинг ҳар қандай тадқиқотини тизимли деб номлаш мумкин эмас: тизимлар тизимли бўлмаган усуллар билан ҳам ўрганилади.

Тадқиқот мажмуавий бўлиши учун мажмуа – объектнинг бўлиши етарли эмас: тадқиқотнинг ўзи ҳам мажмуа бўлиши мумкин, яъни у аниқ тамойил – айнан тизимлий тамойили асосида ташкил этилган бўлиши лозим. Юқорида қайд этилганидек мажмуа бу ўзига ҳос тизимдир. Бундан иккинчи, янада муҳимроқ хулоса келиб чиқади: мажмуавий таҳлил тизимли бўлгандагина ушбу хусусиятга эга бўлади.

XX асрнинг ўрталарида кибирнетика ва у билан боғлиқ бошқа илмий ва техник фанлар бошқарув тизим механизmlарини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этди. Тизимли таҳлил-бу воқеа ва ҳодисаларни объектнинг бир бутунлийк ва уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро ҳатти-харакатлари қонуниятлари позициясида кўриб чиқишидир. Тизимли таҳлил, бутунлик, элемент, қуйи тизим, алоқа, муносабат, функция, сабаб, структура ва шу каби тушунчаларга органик жиҳатдан боғлиқдир. Тизимли таҳлил объектга нисбатан юқори даражадаги тизим элементи сифатида қарашни тақазо этади, бунда унинг элементлари эса нисбатан қуйи даражадаги тизим сифатида кўрилиши лозим.

Органик ва ноорганик (физик) тизимлар фарқланади. Биринчисига табиий воқеа-ҳодиса ва жараёнлар, иккинчисига эса механик, техниковий, геометрик жараён киради. Психологик тизимлар эса алоҳида тур сифатида ўзини-ўзи бошқариш, кўп даражалийк ва мақсадга мувофиқлик каби хусусиятларга эгадир.

Тизимли таҳлил ҳар қандай тадқиқотнинг хусусан эмпирик психологик тадқиқотнинг муҳим методологик тамойили бўлиб ҳизмат қиласи. У психологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқишининг бир босқичидир. Тизимли таҳлилнинг мазмун моҳичти, яъни мантиғи жараённинг ташқи, умумий, ички ўзига хосликларни ажратиш орқали назариядан эмпирик амалиётга қараб борища намоён бўлади. Биринчи навбатда концепция шакллантирилади, асосий тушунчалар ажратиб олинади, улар асосида сабабийлик, функционал, структуравий ва бошқа боғлиқликларни шартлаб берувчи ижтимоий-иктисодий, маданий, сиёсий ва маънавий омиллар аниqlанади. Ўз навбатида тадқиқ этилаётган объектнинг структуравий компонентлари ажратиб олинади,

масалан, ташкилотда мавжуд квалификация (малака) турлари. Сўнгра ички алоқадорликлар аниқланади: ресурсларнинг мавжудлиги, вазифаларнинг ўзаро келишилганлиги, квалификация (малака) ва таълимнинг фарқланиши, жамоа ичидағи ва раҳбарият, ташкилот бўлимлари ўртасидаги муносабатлар ва б. Амалий психологик тадқиқотларда тизимли таҳлил ресурсларни оптималь тақсимлаш, соғлом муҳитни яратиш, ташкилотда унумли ўзаро ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш ва ташкилотнинг умумий шунга мос келувчи кординацион ва интеграцион механизмларни ишлаб чиқиш вазифасини бажаради.

2.3. Психологик тизимнинг компонентлари

Жамият – бу ўзаро алоқадор турлача элементлар ва қуи тизимлардан, хусусият ва муносабатлардан ташкил топган, унинг риволаниши қонуниятлари ёрдамида ўз эҳтиёжларини қондириш учун инсонлар томонидан яратилган тизим кўринишидир. Ижтимоий тизимларнинг турли кўринишларини ажратиш мумкин: 1) цивилизация ривожланиши даражасига кўра: анъанавий; индустрисал - замонавий; постиндустрисал (А. Тойнби), 2) ҳукуқ ва эркинликлар даражасига кўра: очик – ёпик, 3) юқори технологияларнинг ривожланиши даражасига кўра: ахборотлашган ва аграр; индустрисал.

Ижтимоий тизимларнинг сифатларини ўлчаш учун кўплаб миқдорий индекслар, коэффициентлар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ижтимоий тизимларнинг кўринишларини аниқлашда инсонларнинг ўзини намоён қилиши даражаси, ҳукуқий ҳимояланганлик ва демократия даражаси сифатидаги гуманитар мезъонларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу мезъонларга қўра қуидагилар ажратилади:

1. демократик ва тоталитар жамиятлар;
2. тенг ва тенгсиз имкониятлар жамиятлари;
3. исломий ва христиан жамиятлар;
4. истеъмол ва чекланган истеъмол жамиятлари.

Бугунги кун жамиятида глобаллашув жараёнида координация, субординация, кооперация ва ҳамкорлик ижтимоий муносабатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар ёрдамида жамият иқтисодий, сиёсий ва маданий рижланишда ўз мақсадларига эришмоқда. БМТ глобал ҳалқаро дастурининг айrim мақсадлари: - болалар ўлимини, очликни, касалликларни, ишсизликни, жиноятичиликни камайтириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини, демократия, аёллар тенг ҳукуқлигини ошириш ва натижада инсоният тараққиётининг юқори чўққисига эришиш. (Millenium Development Yoals).

Тизимнинг ҳажми ва унинг мавжуд бўлиши муддати ўртасидаги, тизим ҳажми, барқарорлиги ва унинг ривожланиши ўртасидаги тизимларнинг умумий назариясида (Пр И.В. системный подход и общественные закономерности. М., 2000) баён этилган умум тизимга хос ўзаро алоқадорлик

қонуниятлари асосида жамият ривожланишида долзарб муаммоларни ўрганишда психологик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Структуравий дифференциация тушунчасини изоҳланг?
2. Психологик элементларнинг ўзаро хатти – ҳаракатлари илмий қонунларини изоҳланг?
3. Тизимли ва мажмуавий таҳлил назариясини аҳамияти нималардан иборат?
4. Замонавий жамият тизим сифатида намоён бўлиши тўғрисидаги олимларни қарашларини аниқланг?

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. М.,Наука, 1974
2. Кузьмин В.П. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса. М., 1980.
3. Парсонс Т. О структуре психологического действия. М., 1997.
4. Парсонс Т. О систем современных обществ. М., 1998.
5. Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации. М.Наука., 1981.
6. Битинас Б.П. Системный анализ к статистическому анализу эмпирических данных. В. КН. Математические методы в социологическим исследовании. М. Наука., 1981.

Интернет ресурслари

1. www.lib.socio.msu.ru
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Мавзу: Психология соҳасида тизимли таҳлил тамойиллари

Машғулотда қўриладиган масалалар Ижтимоий фаолият функционаллашув асоси сифатида. Объектив ва субъектив шароитлари. Ижтимоий субъектлар трансформациялашув шароити сифати. Фаолият структураси. Фаолият ташқи ва ички детерминацияси. Фаолият тури. Фаолият мақсади моғиқлиги, услуби ва натижаси. Фаолият ўзини куч сифатида, тизим сифатида ва уни ўзгарувчанлиги. Психологик институтлар ва муносабатлар ижтимоий фаолият тизим сифатида.

Тизимли таҳлилни талабаларни илмий ишларида қўрсатиш ва қўллаш: хорижий тажрибаларни ўрганиш;

Психология фанида тизим ёндашувни ўрни ва турли ижтимоий тизимларни солиштириш.

Амалий машғулотини олиб бориши тартиби: Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гурухлар шакллантирилади, мавзу бўйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гурухий тарзда изоҳлаб, ҳимоя этадилар.

Амалий машғулотини олиб бориша қўлланиладиган методлар: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “ББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изохи”

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

Метод икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан муайян вакт оралиғи ва қатъий қоидаларга мувофиқ ташкил этиладиган оғзаки баҳс бўлиб, тингловчи ларда ўрганилаётган мавзу бўйича эркин, асосли фикрларни билдириш қобилияtlарини шакллантиришга хизмат қиласи. Ўқув машғулотларида баҳс-мунозарадан фойдаланишда мавзуга доир маълум масалалар ҳал қилинади.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш қўрилади:

Изоҳ: 1) бир тингловчи га икки марта сўзга чиқишига рухсат этилмайди;

2) ўқитувчи (бошловчи) тингловчи ларнинг мавзудан четга чиқмасликларини қатъий назорат қилиб боради, борди-ю, шундай ҳолатлар содир этилса, сўзловчилар бу ҳақида огоҳлантирилади.

Баҳс-мунозара учун танланган мавзу ўқувчи (талаба)ларга олдиндан маълум қилинади

Жараён ўқитувчи (ёки бошловчи) томонидан бошқарилиб борилади

Тингловчи (талаба)лар индивидуал, гурӯҳ (жуфтлик) номидан баҳс юритилаётган масала бўйича шахсий мулоҳазаларни баён қиласди

Баҳсада масаланинг моҳияти, ечими бўйича бир-бирига зид фикрлар илгари сурилади

Ечим бўйича асосий фикрни баён этадиган ўқувчи (талаба)ларга 10 дақиқа, қўшимча қилиш истагида бўлғанларга эса 5 дақиқадан вақт берилади

Ўқитувчи (бошловчи) томонидан баҳс-мунозара юзасидан якуний хулоса билдирилади

БИЛИБ ОЛДИМ” (БББ) МЕТОДИ

Метод тингловчи ларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда тингловчи лар гурӯҳ ёки жамоада ишлашлари мумкин. Гурӯҳда ишлашда машғулот якунида гурӯҳлар томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилинади.

Гурӯҳлар фаолияти қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:



Ҳар бир гурӯҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради; машғулот якунида лойиҳа бандлари бўйича гурӯҳларнинг муносабатлари умумлаштирилади

Гурӯҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб, ғояларни умумлаштиради

Назорат саволлари

1. Тизимли таҳлил этишнинг таркибий элементларини санаб ўтинг?
2. Т. Парсонснинг психологик ҳаракат тизими назариясини асоси мазмунни нималардан иборат?
3. Тизимли таҳлилнинг ижтиомий фанлардаги аҳамиятини кўрсатиб беринг?
4. Психология фанидаги назарияларида тизимли таҳлил масалалари?

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. М.,Наука, 1974
2. Кузьмин В.П. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса. М., 1980.
3. Парсонс Т. О структуре психологического действия. М., 1997.
4. Парсонс Т. О систем современных обществ. М., 1998.
5. Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации. М.Наука., 1981.
6. Битинас Б.П. Системный анализ к статистическому анализу эмпирических данных. В. КН. Математические методы в социологическим исследовании. М. Наука., 1981.

Интернет ресурслари

1. www.lib.socio.msu.ru
2. <http://www.socioline.ru>
3. <http://www.socio.rin.ru>
4. <http://www.sociologos.narod.ru>

2-амалий машғулот

Мавзу: Тизимли таҳлил методологияси

Машғулотда кўриладиган масалалар: Ижтиомий объект детерминантнинг ташқи ва ички, умумий ва маҳсус, объектив ва субъективларга бўлиниши. Объектнинг асосий фаолиятларини белгилаш:

Объектнинг тизимли таҳлил методлари. **Классификация** – объектларни асосий аломатларига кўра гурухларга ажратиш, унинг ўхшаш алоқаларини ўрнатади: ижтиомий гурухлар; монотестик режим ва х.к. **Таксономия** – мураккаб ташкиллаштирилган соҳаларда систематизация принципи иерархик қурилишга эга. **Стратификация** – иерархия феноменида эгалланган билимлар асосида кўпгина элементлар ўхшашигини кўриниши.

Гурухлаштириш методи амал сифатида. *Гурухлаштириши* тадқиқот давомида олинган маълумотларни компакт тарзда тасвирлаш, вариант қаторларни тузиш параметларни олиш, жадвал тузиш.

Амалий машғулотини олиб бориш тартиби: Тингловчилардан ихтиёрий равишда кичик гурухлар шакллантирилади, мавзу буйича асосий тушунчаларни жавдал ва схемалари шакллантирилади. Тингловчилар ўзлари бажарган амалларини индивидуал ёки гурухий тарзда изоҳлаб, химоя этадилар.

Амалий машғулотини олиб бориша қўлланиладиган методлар: “Бумеранг”, “Чархпалак”, “Венна диаграммаси”, “БББ” “ФСМУ”, “Тушунчалар изохи”

“БЛИЦ-СЎРОВ” МЕТОДИ

“Блиц-сўров” (инглизча “бліц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчи ларнинг қамраб олинишига қўра белгиланади.

Машғулотларда методни қўллаш қўйидагича кечади:

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар
моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни
ишлаб чиқиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қиласди

Ўқувчи (талаба)лар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради


Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар ўқувчи берилган саволга жавоб қайтаради
(унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиради, (бироқ, фикрлар акорланмаслиги лозим)

Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти тингловчи лар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.

“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” СТРАТЕГИЯСИ


Стратегия тингловчи ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникумаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурухларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қўйидаги схема чизилади:



Стратегия тингловчи лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Уни қўллаш босқичлари куйидагилардан иборат:



Назорат саволлари:

1. Структуравий дифференциация тушунчасини изоҳланг?
2. Психологик элементларнинг ўзаро хатти – ҳаракатлари илмий қонунларини изоҳланг?
3. Тизимли ва мажмуавий таҳлил назариясини аҳамияти нималардан иборат?
4. Замонавий жамият тизим сифатида намоён бўлиши тўғрисидаги олимларни қарашларини аниқланг?

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Садовский В.Н. Основания общей теории систем. М.,Наука, 1974
2. Кузьмин В.П. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса. М., 1980.
3. Парсонс Т. О структуре психологических действий. М., 1997.
4. Парсонс Т. О систем современных обществ. М., 1998.
5. Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации. М.Наука., 1981.
6. Битинас Б.П. Системный анализ к статистическому анализу эмпирических данных. В. КН. Математические методы в психологическом исследовании. М. Наука., 1981.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Мини кейс 1.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланишини тизимли таҳлил этиши

Жамиятнинг борасида тадқиқот олиб боришда аниқ ҳулоса чиқариш учун компьютер технологиялари ёрдамида яратилган моделлар аҳамиятли ҳисобланади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланишига қандай омиллар таъсир қиласиди ?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Жамиятни ижтимоий ривожлантириши борасидаги илмий фаразлар билан танишиш .
- Ижтимоий ривожланишга таъсир қилувчи ва тўсқинлинлик қилувчи омилларни бир-бири билан солишириш .
- Компьютерда ижтимоий жараёнларни моделлаштиришга оид зарур дастурий таъминотлар танлови

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Жамият маънавий ҳаёти ва тизимли тахлил.
2. Тизимли англаш ва унинг асослари
3. Шахс, гурух ва жамият уларни тизимли тахлил муаммолари.
4. Ижтимоий фаолият ва унинг тизимли табиати.
5. Ижтимоий тизимлар турни.
6. Ижтимоий тараққиётидаги тизим ёндошувни ахамияти.
7. Психологияда тизимли ёндошувнинг тарихий-илмий асослари
8. Психологияда тизимли ёндошувнинг ўзига хослиги
9. Ижтимоий тадқиқотларда тизимли ёндошувнинг ахамияти
10. Психологияда тизимли ёндошувнинг тадқиқот обьекти
11. Ижтимоий тизимларнинг тизимли тахлили
12. Ижтимоий жараёнларнинг тизимли тахлили
13. Маълумотларни тизимли умумлаштириш
14. Тизимли тахлил ва ахборот хавфсизлиги
15. Тизимли тахлилни амалга оширишнинг принциплари

VII. ГЛОССАРИЙ

№	Ўзбекча	таърифи	Инглизча	таърифи
	Илмий услуб	Тизимли кузатиш натижасида олинган маълумотларга мантикий тизимдан фойдаланган холда баҳо бериш	Scientific method	the basic of techniques for investigating phenomena, acquiring new knowledge, or correcting and integrating previous knowledge.
	Интуитив	инсоннинг ғайритабии ҳисларига ишониши	imagination	The ability to form mental images of things that are not present to the senses or not considered to be real
	Латент функция	хар қандай психологик институтнинг яшрин функциялари.	latent functions	latent functions the unrecognized and unintended consequences of any social pattern.
	Левират	Аёлнинг ўлган эрининг укаси ёки аксига турмушга чиқиши билан боғлиқ никоҳ	Levirate	The *marriage or ‘inheritance’ of a woman as a wife by her late husband’s brother.
	Лидер	ингл. leader - етакчи) - 1) сиёсий партияниң касаба союз ёки бошқа жамоат ташкилоти ваколатли органидаги партия фракциясининг, ижтимоий ҳаракатнинг бошлиғи, доҳийси, раҳбари.	Leader	visual. Lead - Leading) - 1) The competent authorities of the Trade Union or other public organization of a political party faction of the party, the head of the genius of the head of the social movement.
	Маданиятлар учрашуви	Икки маданият учрашуви, бу асосан бошқа маданият вакилининг ўзга биридан фарқланиши ёки	Culture contact	The meeting of two cultures, especially where one becomes culturally dominant over the other;

		устунлиги аниқлаштириш учун ҳам ишлатилади		
	Маданиятли одам	ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, ахлоқ нормаларига тўла амал қиласидиган, илғор фалсафий ғояларга эга бўлган, жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.	civilized man	cultured man
	мазмун	моҳият, маъно	content	1. The core of the issue, the central, most important aspect of the situation or communication. 2. In metaphysics - the essential character of the object or event
	Метод	бирор бир мақсадга эришиш, аниқ масалани ечиш усули	Method	Method
	Методика	Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат.	Technique	The organization of the educational process and a set of recommendations.
	Методология	фаннинг алоҳида бир бўлими бўлиб, у билиш жараёнининг муракабблиги ва турли-туманлигини тадқиқ қила бориб, билимнинг тамойиллари, шакллари ва методлари ишлаб	Methodology	Methodology is a separate branch of the science which deals with developing the methods, shapes, and tendency of the awareness by investigating the versatility and complexity of the process of awareness

		чиқиши билан шуғулланади.		
	Мехнат	Инсоннинг бирон бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятдир.	Labor	The purpose of any human being socially useful activity.
	Мехнат бозори	Ишчи кучининг меҳнатга бўлган қобилиятини сотиш ва сотиб олиш тизимиdir.	Labor market	The labor force to the working system of the ability to buy and sell.
	Мехнат қўнимаси	Персоналнинг ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги жараёнида уларнинг ўзаро мослашуви.	Habits of work	The process of interaction with the staff organizations and their mutual compatibility.
	Мехнат мазмуни	Ходимнинг меҳнат предметлари ва воситалари билан ўзаро муносабатга киришвидир.	The content of labor	Employee labor elements and the relationship described.
	Мехнат ресурслари	Ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.	Workforce	His mental and physical labor involved in the production of social work, said the collection of talented people.
	Мехнат тақсимоти	Ишлаб чиқариш тизимини ихтисослашган вазифалар ва касбларга тақсимлаш бўлиб, у умуниқтисодий ўзаро боғлиқликка олиб келади.	Division of labor	Specializing in the production system, the distribution of tasks and occupations, which leads to economic interdependence.
	Назарий психология	бу ўрганилаётган объект ёки муаммонинг	Theoretical sociology	Theoretical sociology deals with theoretical analyze of an object

		назарий таҳлили билан шуғуланишдир. Бунда у ўз хulosаларини текшириб чиқиш учун амалиётга мурожат қилади. Шунинг учун бу икки жараённи бирини биридан ажратиш ва ўзаро қарама-қарши кўйишга интилиш нотўғри ёндошувдир. Чунки, бу икки ҳодиса бир-бирини ўзаро тўдиради.		or a problem being investigated. In this, it addresses to analyze its conclusions. That's why it is wrong to put these two against each other or to separate them. Because they fill each other.
	назарий тадқиқот	мавжуд илмий хulosаларни ўрганиш	conceptual research	Theoretically the study findings
	назарийлаштирумок	олинган эмпирик маълумотлардан назарий хulosалар чиқариш	conceptualize	comprehend; conceptualize
	Назария	ҳодиса ва воқеаларни тушунуш учун талаб этиладиган ҳолат.	Theory	Theory a framework that can be used to comprehend and explain events
	назорат локуси	бошқаларни фаолиятини назорат қилиш	locus of control	locus of control
	намойиш этмок	намойиш этиш	demonstration	the act of exhibiting.
	Нейротизм	N-типи қутбларидан бири бўлиб, хавотирга тушиш, депрессия ҳамда кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туришига мойиллик билан характерланади	Neuroticism	Neuroticism
	Неоколониализм	Кучли мамлакатларни ўзларини собиқ	Neocolonialism	A relation between former colonial power and former colonies

		мамлакатлари билин муносабатлари		which in some way or another perpetuates the domination which had existed under *colonialism.
	Нерасмий санкция	қонун кучи билан таъминламаган чеклов.	Informal sanctions	Informal sanctions - spontaneous, unoffi cial expressions of approval or disapproval that are not backed by the force of law.

VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. 1.Давыдов А.А. Системная психология. Введение в анализ динамики социума. М., 2007.
2. 2.Давыдов А.А. Системный подход в психологии: законы психологических систем. М., 2003.
3. 3.Парсонс Т. Системы современных обществ. М, 1998.
4. Игнатьев В.И. Системно-генетическая динамика социума. Новос., 2007.
5. 5.Убайдуллаева Р.Т. Системный подход в психологии. Методическое пособие Тошкент «Университет», 2008.
6. 6.Huth M. Ruan M. Logic in Computer Science: Modelling and Reasoning About Systems. Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
7. 7.Norbert G. Conceptual Modelling of Multi-Agent Systems: the CoMoMAS Engineering Environment. Dordrecht: Kluwer Academic Publishes, 2002.
8. Wallerstein I. The modern World System. V.I-III. N.Y.: Plenum Press, 1974-1989.
9. Ogata K. System Dynamics. N.Y.: Prentice Hall, 2003.
10. Системный подход к статистическому анализу эмпирических данных. В книге Математические методы в психологическом исследовании. М., 1981.
11. 11.Садовский В.Н. Основание общей теории систем. М.,1974.
12. 12.Молчанов В.И. Системный анализ социологической информации. М., Наука, 1981.
13. 13.Прингшвили Ч.В. Системный подход и общественные закономерности. М, 2000.
14. 14.Афанасьев В.Г. Системность и общество. М.,1974.
15. 15.Кузьмин В. Принцип системности в теории и методологии К. Маркса. М., 1980.
16. Психологический энциклопедический словарь. М., Наука, 2010.

Интернет ресурслар:

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.google.uz>
4. <http://www.ziyonet.uz>